

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 30-may, juma № 43 (15785)

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ УЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Авваламбор, сиз, азиз болаларимни, сизларни қутлаб турган муҳтарам устоз-мураббийлар, ота-оналар, ёру дўстларингизни Ўзбекистон ҳаётидаги улкан воқеа — ёшлик, камолот ва спорт байрами — «Баркамол авлод» ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, барча-барчангизга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, янги-янги омадлар тилашдан бахтиёрман.

Айни шу кунларда янада чирой очиб бораётган Наманган заминига, ушбу мусобақаларга чуқур тайёргарлик кўриб, сизларни бағрини кенг очиб кутиб олаётган, меҳр-оқибат, одамийлик каби фазилатларнинг ўрнини, қадрини биладиган, меҳнаткаш ва меҳмондўст Наманган аҳлига, мана шу муаззам стадионда тўпланиб турган сизларнинг барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматимни изҳор этишдан хурсандман.

Азиз болаларим, фарзандларим!

Биз бугун мамлакатимизда янги давлат, янги жамият барпо этмоқдамиз. Лўнда қилиб айтганда, биз ўз олдимизга қўйган буюк мақсадлар, яъни, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш, ўз эркинлигимизни, ўз мустақиллигимизни ҳимоя қилишга қодир бўлиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш — **бундай улғувор вазифалар бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, барчамизга яхши аёндир.**

Албатта, бундай олий мақсадларга эришиш барчамиздан оғир ва машаққатли меҳнатни, катта синовлардан ўтиш, бошлаган йўлимизни давом эттиришни, фидойиликни, бир ёқадан бош чиқариб, бирдамлик билан ҳаракат қилишни, курашишни талаб этади.

Яна бир фикрни чуқур англаб олишни истардим. Биз кўзлаган юксак марраларга эришишнинг энг катта, энг муҳим шarti ва омили — бу авваламбор ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, мана шу муҳташам стадионда тўпланган сизлар каби минг-минглаб ёшларимиз, ўз фарзандларимиздир.

Биз орзу қилган, биз интилаётган буюк келажакимизни қуришда, барпо этишда биз сиз, азизларни энг катта ишончимиз, энг катта таянчимиз, деб биламиз.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин — бугунги кунда она юртимизда дунёдаги бошқа мамлакатларнинг ҳавасини тортаётган замонавий таълим ва тарбия тизими, ўқув масканлари барпо этилган. Болаларимиз тўққиз йиллик умумтаълим мактабларини битириб, қишлоқ ва шаҳарларимизда янгитдан қурилган 1500 дан зиёд энг замонавий лицей ва коллежларда 3 йил давомида таҳсил олади. Бу ўқув юртлири энг илғор илм-фан ва тараққиёт сирларини ўзлаштиришга, 2-3 та касб-хунарни, хорижий тилларни, Интернет ва ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашга имкон яратади ва бугунги замон талабига жавоб берадиган етук мутахассисларни тайёрлайди.

(Давоми 2-саҳифада)



Ушбу суратлар

ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ

Наманган шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2014» республика спорт мусобақалари бошланди

Наманган шаҳрининг бугунги оқшоми ўзгача тароватли. Вилоятда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг самаралари ранг-баранг чироқлар ёғдусида янада мафтункор манзара касб этган.

Бу оқшом Наманганнинг Дўстлик кўчаси ҳар кунгидан-да гавжум. Байрамона кайфиятдаги юртдошларимиз «Навбахор» стадиони томон ошиқмоқда.

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросими ана шу ерда ўтади.

Президенти миз Ислам Каримов ташаб-

буси билан ташкил этилган ва ёшларимизнинг севимли спорт анжуманига айланган уч босқичли спорт мусобақалари 2000 йили Универсиада билан Наманганда бошланган эди. Мана шу стадионда бўлиб ўтган ўша тантанали маросимлар шуқуҳни наманганликлар ҳамон илқ таассуротлар билан эслайди.

Бугун яна бир шундай йирик нуфузли тадбир — ёшлик, баркамоллик, нафосат ва бирдамлик байрами — «Баркамол авлод — 2014» мусобақаларига мезбонлик қилаётган Наманган янада чирой очган. Ниҳоят, орзиқиб ку-

тилган дақиқалар келди. Йигирма мингдан зиёд томошабин келган стадион узра «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг чорлов садолари янграйди.

Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг терма жамоалари кириб келади.

Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларини очиб деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Баркамол

авлод — 2014» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Давлатимиз байроғи кўтарилди.

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари байроғи ҳилпирайди.

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақалари иштирокчилари бўлажак беллашувларда ҳалол ва муросасиз курашишга тантанали қасамёд қиладилар.

(Давоми 3-саҳифада)

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ҲАММОНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Энг муҳими, йигит ва қизларимиз ана шу лицей ва коллежларни битириб, ўз она юртига, ўз Ватанига садоқатли бўлиш мактабини ўтайди, ҳаётга онгли қадам қўйишга, жамиятда ўзига муносиб ўрин топишга тайёр бўлади.

Менинг ишончим комил — ҳам билим, ҳам касб-хунар берадиган бундай ўқув юрти, билим ўчоғини битириб чиққан сиз азиз болаларимизнинг ҳар бири, мана, мен ҳеч кимдан кам бўлмай, озод Ватанда вояга етдим, энди менинг келажагим ўз қўлимда, ота-онам, эл-юртимнинг ишончини оқлайман, деган фикр билан яшаши муқаррар. Бундай авлоднинг қадди ҳам, қадри ҳам баланд, эртанги кунни албатта ёруғ бўлади.

Хурматли мусобақа иштирокчилари!

Бугунги кунда униб-ўсиб келаётган, баркамол авлод бўлиб вояга етаётган ёшларимизнинг барчаси ўз ҳаёти, ўз келаётига спортсиз тасаввур этолмайди, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Сизларнинг билим ва касб-хунар чўққиларини эгаллаш

билан бирга, спортга меҳр қўйиб, халқаро олимпиада ўйинларининг барча белги-аломатларини ўзида мужасам этган ушбу «кичик Олимпиада»нинг финал босқичига етиб келиш учун қандай тинимсиз машқ қилганингиз, ирода ва маҳорат кўрсатиб, қандай синов ва қийинчиликларни енгиб ўтганингизни мен ўзимга яхши тасаввур қиламан. Сизларнинг мана шундай марраларни қўлга киритганингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, катта ғалаба.

Агар 2011 йилда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларининг саралаш босқичида 700 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этган бўлса, 2014 йилда бу рақам 810 минг нафарни ташкил этаётгани ҳам, мазкур беллашувларнинг қамрови кенгайиб, кураш майдонларидаги баҳслар нақадар қизғин ва муросасиз кечганидан далолат беради.

Барчамиз яхши биламизки, ҳаётдаги ҳар қандай ютуқ, айниқса, спорт оламидаги ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришилган ютуқ — бу аввало бутун борлиғини сафарбар этиб, ўз олдига қўйган мақсад йўлида ўзини енгиб, ўзини

аямасдан, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, ана шу инсонни тарбиялаб вояга етказган таълим-тарбия масканининг, бутун жамиятимизнинг ютуғидир.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: катта спортга интилган, бу йўлда эндигина ўзининг илк қадамини қўяётган ҳар қайси ёш спортчиси бугун жаҳон майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган, номлари бутун Ўзбекистонда машҳур бўлган ўнлаб-юзлаб спортчилардан ўрнак ва ибрат олади.

Шулар қаторида бокс бўйича жаҳон чемпиони Бектемир Мелиқўзиев, стол тенниси бўйича халқаро турнир ғолиби Тоҳир Салимов, дзюдо бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Сарвар Шомуродов, шахмат бўйича жаҳон чемпионати совриндори Моҳинур Қаҳрамонова, бокс, теннис, оғир атлетика, стол тенниси бўйича халқаро турнирлар ғолиблари Суннатилла Баҳодиров, Хумоюн Султонов, Отахон Имомов ҳамда Саидохон Казакова, юнон-рум кураши, таэквондо ва дзюдо бўйича Осиё чемпионати соврин-

дорлари Қамариддин Зайниддинов, Темур Ҳакимов, Фафур Ақамов сингари истеъдодли ёшларимизнинг номларини бугун ҳурмат билан тилга оламиз.

Азиз ва суюкли фарзандларим!

Барчангизнинг ҳаётингизда ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган, қизғин ва ҳалол курашлар руҳида, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик муҳитида ўтадиган мусобақаларда сизларга муваффақият тилар эканман, бир фикрни такрор ва такрор айтмоқчиман.

Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандлари-

миз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Менинг тилагим, даъватим шуки, Ватанимизнинг, олижаноб халқимизнинг ана шундай меҳри ва ишончига доимо муносиб бўлинг, маррани ҳамиша баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!

Фурсатдан фойдаланиб, «Баркамол авлод» ўйинларини юксак савияда ўтказиш учун замонавий спорт мажмуалари ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этган моҳир курувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, ана шундай эзгу ишларга катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бутун Наманган аҳлига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги спорт байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга келгуси ҳаётингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Андрис БЕРЗИНЬШ:

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИМ ҲАММОНЛАРИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тақдиримизга биноан мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Улуғбек Розуқулов ҳамроҳлигида 29 май кунини Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Мазкур расадхона аждодларимизнинг буюк даҳоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илдизлари ва тараққиётдан далолат беради. Андрис Берзиньш Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Латвия Президенти Амир Темур ва Хўжа Дониёр мақбараларини бориб кўрди. Олий мартабали меҳмонга ушбу обидаларнинг тарихи, Мовароуннаҳрда қадимий шаҳарсозлик, илм-фан ва хунармандлик ривожига ҳақида маълумот берилди.

Андрис Берзиньш Шарқ меъморчилигининг ноёб обидалари

бўлган Регистон мажмуи ва Бибиҳоним масжидини катта қизиқиш билан томоша қилди. Бу муҳташам обидалар ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳияти, илм-фан ва маданият ривожига эътиборининг ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Латвия раҳбари Регистон мажмуида ташкил этилган латвиялик расмий Валдис Бушс кўргазмасини кўздан кечирди.

Дунёда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша юқори бўлган. Бунинг тасдиғини турли мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар яратилгани, улуг аждодларимиз хотирасига ёдгорликлар барпо этилгани ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, Латвияда Ибн Сино ва Мирзо Улуғбекка ўрнатилган ҳайкаллар халқимиз тарихига чуқур ҳурмат ифодасидир.

Андрис Берзиньш Сиеб деҳқон бозорига ҳам бўлди. Мамлакатимиз фаровонлиги рамзи бўлган сархил ноён матларни, сотувчи ва харидорлар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги билан Юрмала шаҳар думаси ўртасида ҳамкорликка оид битим имзоланди.

Латвия Президенти сафар якунида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

— Ўзбекистон Республикасига ташрифим ҳар томонлама самарали бўлди, — деди Андрис Берзиньш. — Делегациямиз аъзолари ўзбекистонлик шериклари билан аниқ масалаларни муҳокама қилиб, ўзаро фойдали келишувларга эришди. Бу келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада ривожлантириш, ўзаро алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга

кўтариш имконини беради. Хусусан, Юрмала билан Самарқанд ўртасида имзоланган ҳужжат нафақат бу икки шаҳар, балки мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни турли соҳаларда ривожлантиришга хизмат қилади.

Олий мартабали меҳмон Шарқ гавҳари — Самарқанд шаҳрини яна бир бор кўриш бахтига муяссар бўлганидан мамнунлигини билдирди. Самарқанднинг тарихий обидалари ўзбек халқининг бой маданият ўтмиши, мумтоз меъморлик санъатининг юксак намунаси эканини эътироф этиб, истиқлол йилларида шаҳарда амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан ҳайратга тушганини таъкидлади.

Шу билан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ёт мафқуралар хуржларидан асраш, уларда турли ғоявий таҳдидларга қарши курашишни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ёшлар бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, улар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

ДИНЛАРДА СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯСИ

Тошкент ислом университетида ташкил этилган «Динларда соғлом бола тарбияси» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда шулар ҳақида сўз борди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси ҳамда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан ўтказилган тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва мамлакатимизда фаолият олиб бораётган турли диний конфессиялар, Республика Байналмилал маданият маркази, «Оила» илмий-амалий маркази, SOS Болалар маҳаллари уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари, олимлар, ёш тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этди.

Анжуманда Дин ишлари бўйича қўмита бўлим бошлиғи Собитхон Шарипов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдулазиз Мансуров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида фуқароларнинг дин ва виждон эркинлигига оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, миллатлараро ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик тамойилларига қатъий амал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Анжуманда динларда одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, илм олиш масалалари, жумладан, ёшларда миллатлараро тоғувлик, ижтимоий ва диний бағрикенглик, ўзаро ҳамкорлик, олижаноблик, саҳийлик каби маънавий-ахлоқий хусусиятларни камол топтириш, уларнинг маънавий оламини юксалтириш, дини ва миллатидан қатъий назар, она Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашилди. Ёшларни мамлакатимиз ва минтақамизда кечаётган жараёнлардан хабардор қилиш, уларда огоҳлик ва сергаклик, эл-юрт тинчлиги ва тараққиётга масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик туйғусини кучайтириш масалалари хусусида фикр юритилди.

Анжуманда «Зиё» студияси «Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази мутахассислари томонидан тайёрланган динларда соғлом бола тарбиясига оид фильм намойиш этилди. «Исломда соғлом бола тарбияси» китоби тақдироти ўтказилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

**(Давоми, аввали
1-саҳифада)**

Мамлакатимизда ёш авлод-ни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, касб-хунар эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратишга изчил эътибор қаратиб келинмоқда.

Бундай эзгу ишлар фарзандларимизнинг спортга қизиқи-шини янада ошириш, уларнинг соғлом, кучли, мард ва қатъ-ятли бўлиб камолга етишига хизмат қилмоқда.

Бугун катта ҳаётга дадил кириб келаётган ёшлар — халқи-миз орзу қилган баркамол авлод вакилларидир. Улар ўз соҳалари бўйича пухта билим олган, замонавий ахборот техноло-логияларини ўзлаштирган, хорижий тилларни яхши била-диган, билимли, юксак маъна-виятли ва жисмонан соғлом ёшлардир.

Мамлакатимиздаги бир ярим мингдан зиёд болалар спорти иншоотларида ташкил этилган 65 мингдан ортиқ спорт секци-яларида икки миллионга яқин бола спортнинг ўттиздан зиёд тури билан мунтазам шуғуллан-моқда. Уларнинг 840 мингдан ортиғи қизлардир. Қишлоқлар-да яратилган шароит туфайли спорт билан шуғулланаётган қишлоқ болаларининг сони 2003 йилдаги 14,7 фоиздан 2013 йилда 43 фоизга, жумла-дан, қиз болалар улуши 17,8 фоиздан 37,9 фоизга ўсди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ўғил-қиз-лар сафи кенгайгани сари, та-бийки, спорт инвентарларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқ-да. Болалар спорти иншоотла-ри учун зарур бўладиган 120 турдаги ускуна ва анжомлар-нинг 116 тури мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон оммавий спорт-ни ривожлантириш орқали кат-та спортда ҳам улкан ютуқлар-га эришаётган Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолиги-да болалар спортини ривож-лантиришга қаратилаётган ало-ҳида эътиборнинг амалдаги са-маралари — ёшларимизнинг жаҳон ва қитъа миқёсидаги ну-фузли мусобақаларда қўлга ки-ритаётган ютуқларидан ҳақли равишда фахрланамиз.

Мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар орасида уч босқичли спорт ти-зимидан етишиб чиққан ёшлар кўпчилигини ташкил қилади. Бу-гун ушбу моҳир спортчилари-миз улғайиб келаётган ўғил-қизлар учун ҳақиқий ўрнак ва намуна тимсолига айланган.

Бу борада «Умид ниҳолла-ри», «Баркамол авлод» ва Уни-версиада мусобақаларидан иборат узлуксиз спорт тизими-нинг аҳамияти беқиёс. Мазкур уч босқичли ноёб спорт тизи-ми мутахассислар томонидан янги педагогик технология си-фатида эътироф этилиб, бугун кўплаб давлатлар катта қизи-қиш билан ўрганаётган.

Мазкур тизимнинг ўрта бўғи-ни — «Баркамол авлод» спорт мусобақалари олтинчи маро-таба ўтказилмоқда. Мазкур му-собақага илк мартаба 2001 йилда Жиззахда старт берилган эди. Мусобақанинг мамлакат босқичида туман, шаҳар, вило-ят миқёсидаги беллашувларда ўз иқтидори ва қобилиятини на-моён этган энг сара спортчилар



ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ

қатнашади. «Баркамол авлод» беллашувларида қайд этилаёт-ган натижалар, кўрсаткичлар, рекордлар йилдан-йилга ўсиб бораётгани ёшларимизнинг спортдаги салоҳияти юксалаёт-ганидан далолатдир.

Мусобақаларга Андижон, Чирчик, Нукус ва Термиз шаҳар-лари мезбонлик қилди. Уларда қатнашган ёшларнинг иқтидори ва маҳорати мунтазам ошиб бо-раётганини кўлаб спортчилар-имиз халқаро майдонларда салмоқли ютуқларга эришаёт-ганида ҳам кўриш мумкин. Жум-ладан, Жамшид Искандаров ва Игорь Сергеев футбол бўйича мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси сафида Осиё ва жа-ҳон чемпионатларида тўп сурди. Бадиий гимнастикачи Комила Тўхтаева, Вероника Есипова ва Рауфия Фархуiddинова, шахмат-чи Нодира Нодиржонова, Хул-кар Тоҳиржонова, енгил атлети-качи Руслан Курбонов, Зарни-гор Ортиқова, сузиш бўйича Ўзбекистон рекордчиси Юлдуз Кўчқорова қитъа миқёсидаги мусобақаларда кўп бор шохсу-пага кўтарилди. Полвонлари-миздан белбоғли кураш бўйи-ча уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпио-ни Шаҳбоз Саидмуродов каби спортчиларимизнинг нуфузли мусобақаларда эришаётган на-тижалари муҳлису мутахассис-лар томонидан юксак баҳолан-моқда.

Президентимиз таъкидлаган-идек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга тани-тишининг, унинг салоҳиятини намоён этиш, гурур ва ифтихо-рини юксалтиришининг энг са-марали ва таъсирчан восита-сидир. Инсоннинг шахс сифа-тида камол топишида, унда куч-ли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳи-ни тарбиялашда, қалби ва он-гига ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, ифтихор туйғуларини сингдиришда спортнинг аҳамия-ти беқиёс. Давлатимиз раҳба-рининг болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишининг му-стаҳкам пойдеворидир, деган фикри амалда ўз исботини топмоқда.

...Стадионга Тошкент вило-ятининг Паркент туманида жой-лашган «Физика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти-нинг қўёш ўчоғидан аланга ол-дирилган «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг машаласини кўтарган йигит ва қиз кириб келади.

«Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари оловини бади-ий гимнастика бўйича Ўзбе-кистон чемпиони, Зулфия но-мидаги Давлат мукофоти со-ҳибаси Шоҳиста Рашидова ва белбоғли кураш бўйича уч кар-ра жаҳон чемпиони Рустам Умаров ёқади.

Томошабинларнинг ҳаяжон-ли хитоблари, гулдурол олқиш-лари билан кутиб олинган ушбу аланга ёшларимизнинг қайноқ қалби, ёниқ орзу-интилишлари рамзи сифатида академик ли-цей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол ав-лод — 2014» мусобақалари да-вомида порлаб туради.

Мутахассислар ва кенг жа-моатчилик томонидан «Кичик Олимпиада», деб таърифланган уч босқичли узлуксиз спорт тизими мусобақалари Олимп-ия ўйинлари қоида ва талаб-лари асосида ўтказилади. Эътиборлиси, бу йилги му-собақалар аввалгисидан тўртта кўп, яъни спортнинг ўн олти тури — баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи, белбоғли ку-раш, дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, таэквондо, енгил атлетика, бадиий гимна-стика, теннис, стол тенниси, су-зиш ва шахмат бўйича ўтказил-моқда. Мусобақаларда ишти-рок этадиган ёшларнинг акса-риятини спорт билан мунтазам шуғулланиб, юксак марралар сари интилаётган, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги белла-шувларда тажриба ва маҳора-тини ошириб, катта спортдаги муваффақиятли одимларини бошлаш арафасида турган иқтидорли ўғил-қизлар ташкил этади.

«Баркамол авлод» мусобақа-лари мезбони Наманган вило-ятида спортни ривожланти-риш, айниқса, болалар спорти-нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом

бўлиб вояга етиши учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратишга катта эътибор қар-атилмоқда. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жам-ғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда вилоятда 140 га яқин спорт иншооти, жумла-дан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдала-нишга топширилди.

Президентимизнинг 2009 йил 6 августдаги «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлан-тириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида қуриб фойдаланишга топширилган «Баркамол авлод» спорт мажмуаси спортсевар ёшлар учун муносиб тўхта бўлди. Ушбу мажмуа таркиби-да халқаро стандартларга жа-воб берадиган катта стадион, ёпиқ сузиш ҳавзаси, енгил ат-летика, спорт гимнастикаси, бокс, кураш, волейбол, баскет-бол майдонлари ва теннис корти мавжуд.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январдаги «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида»ги қарори асосида «Нав-бахор» стадиони жаҳон андо-залари даражасида реконст-рукция қилинди.

Шаҳарда «Камолот» ёшлар боғи, «Кичкинтой» боғи барпо этилиб, замонавий аттракцион-лар ўрнатилди. «Кичкинтой» боғида ҳайвонот боғи ва океа-нарий ташкил қилинди. Ноди-ра номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, Бобур но-мидаги маданият ва истироҳат боғи, Алишер Навоий номида-ги вилоят мусиқали драма ва комедия театри сингари мада-ния ташкил қилинди. Ҳам катта ҳажмда реконструкция ишлари амалга оширилди.

Ёш авлоднинг орзу-инти-лишларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш мақсадида барпо этилган 400 ўринли томоша, 50 ўринли конференция зали, кўргазмалар зали, 20 га яқин тўғарақлар бир пайтда машғу-лот ўтказишига мўлжалланган хоналар, янги оила қураётган

ёшларни никоҳдан ўтказиш, со-ғлом ҳаёт асослари, интернет тармоғига уланган ахборот ре-сурс бўлимлари, бирйўла 100 дан зиёд йигит-қизнинг бир неча спорт тури билан шуғул-ланиш имконияти яратилган спорт залини ўз ичига олган «Наманган Ёшлар маркази» ви-лоят ёшларининг камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

«Баркамол авлод» мусобақа-лари дастурига киритилган спорт турлари бўйича иншоот-лар, иштирокчилар жойлашти-риладиган меҳмонхона, ётоқхо-на ҳамда бошқа ижтимоий-ма-иший объектлар замонавий ан-дозаларда таъмирланиб, жи-ҳозланди. Жумладан, «Дўстлик» теннис корти мажмуасида 8 очик ва иккита ёпиқ корт, На-манган Олимпия захиралари коллежининг баскетбол зали, «Паҳлавон» спорт мажмуаси-нинг бадиий гимнастика зали, «Баркамол авлод» спорт маж-муаси, футбол, волейбол, қўл тўпи, енгил атлетика, оғир ат-летика майдонлари, сузиш ҳав-заси, шахмат павильони, Олий спорт маҳорати мактабининг бокс, дзюдо, таэквондо, эркин кураш, юнон-рум кураши зал-ларида мусобақаларнинг юқори савияда ўтишини таъ-минлаш учун барча қулайликлар яратилди.

Наманган давлат универси-тети, Наманган муҳандислик-педагогика, Наманган муҳан-дислик технология институтла-ри ва бир қатор коллежларнинг турар-жойлари ва спорт залла-ри, иншоотларида кенг қўла-мадаги таъмирлаш ва реконст-рукция ишлари амалга оши-рилди.

Мусобақа иштирокчилари учун ўқув юртларининг ётоқхо-на мажмуалари таъмирланиб, қулай шарт-шароитлар яратил-ди.

«Баркамол авлод — 2014» беллашувларининг финал бос-қичи қатнашчилари учун қизи-қарли ва кўнгличор тадбир-ларга бой катта маданий дасту-р тайёрланди. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоир-лар, санъат намояндalари би-лан учрашувлар, диққатга сазо-вор жойларга саёҳатлар, турли концертлар, бадиий фильм ва спектакллар намойишлари, «Истиқлол» дизайн маркази, «Ифтихор кийим саноат», «Нестле Ўзбекистон» каби за-монавий ишлаб чиқариш кор-хоналари фаолияти билан та-ништириш сингари тадбирлар кўзда тутилган.

...Майдонга мусиқа садола-ри остида ранг-баранг либос-лардаги спортчилар, болалар ижодий жамоалари, таниқли эстрада хонандалари кириб ке-лади. Улар ижро этган саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақс-ларда Ўзбекистон ёшларига хос интилиш, ғайрат-шижоат, жўшқинлик ва нафосат намо-ён бўлади. Мамлакатимизнинг истеъдодли ёш авлоди вакил-лари ёрқин театрлаштирилган томоша намойиш этади.

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақалари ўйинлари-нинг тантанали очилиш маро-симми катта концерт дастури билан якунланди.

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг очил-иш маросиминда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,
Ақромжон САТТОРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур форумда педагоглар, шифокорлар, умумтаълим мактаблари ва махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби А.Икромов, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоат-

чилик болалар жамғармаси ўқув маркази раҳбари М.Охунова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий ҳолати, миллатидан қатъий назар, барча болаларнинг чуқур билим олиши, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида камол топиши масаласи Ўзбекистон

Республикасининг Конституциясида кафолатланган.

Таълим соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар жараёнида умумтаълим мактаблари билан бирга махсус мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлари, тиббий-ижтимоий реабилитация марказлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уларни зарур жиҳозлар, техник ускуналар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан қатор жамоат ташкилотлари билан биргаликда

амалга оширилган «Ўзбекистонда инклюзив таълим» ижтимоий лойиҳаси имконияти чекланган болаларнинг ўз тенгқурлари билан биргаликда таълим олиши, улар учун зарур шароитларни яратиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида имконияти чекланган оилаларнинг болаларини ижтимоий-психологик, тиббий қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларни янада кенгайтириш,

психик функцияларни, кўриш, эшитиш, нутқ, тафаккур, хотира ва ҳаракатланишни ривожлантириш учун ногирон болаларга комплекс ёрдам бериш бўйича илғор технологияларни жорий этиш юзасидан кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Форумда мамлакатимизда инклюзив таълимни ривожлантириш, бу йўналишда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар атрофида муҳокама этилди.

Анжуман доирасида болалар учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига экскурсия ташкил этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

БОЛАЛАР ФОРУМИ

Тошкент шаҳрида болаларнинг VII республика форуми бўлиб ўтди.

2014-yil — Sog'lom bola yili

Anjuman

МАВЗУ БИТТА, ФИКРЛАР ТУРЛИЧА, ХУЛОСА УМУМИЙ

Қорақалпоқ давлат университетидан «Глобаллашув жараёни ва оммавий ахборот воситалари фаолияти» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари, ўқитувчилар, талабалар қатнашди.

— Глобаллашув жараёнида фикрга қарши соғлом фикр, гоёга қарши гоё билан курашиш нафақат журналистларнинг, балки ҳар биримизнинг бурчимиздир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Жалмонов. — Бугунги конференцияда маърузачилар глобаллашувнинг салбий таъсирларини бартараф этишнинг аниқ, самарали усуллариини ўртага ташлайди, дея умид қиламиз.

Конференция иштирокчилари икки — «Гло-

баллашув шароитида ахборот тарқатиш этикаси», «Интернет — ахборот глобаллашувининг воситаси сифатида» шўьбаларига бўлинди. Шўьбаларда глобаллашув жараёни ва унинг салбий жиҳатлари бўйича маърузалар тингланди, ҳар бир чиқиш қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Сўнгра Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси Файзулла Мўминовнинг «Янги аср ва психологик коллапс: медианинг мақсади

нима?» мавзусидаги тақдироти намойиш этилди.

— Анжуманда шу нарсасига амин бўлдимки, — дейди Қорақалпоқ давлат университети талабаси Юлдуз Темирбекова, — ахборот хуружларига фақат маърифий йўл билан курашмоғимиз керак экан. Бунинг учун биз ҳар қандай ахборотларга оғмай, ўз фикр, ўз йўлимизда собитқадамлик билан қатъий турмоғимиз лозим.

Конференцияда маъруза, ўзаро муҳокама жараёнидаги фикр, мулоҳазалар умумлаштирилди. Иштирокчиларга «Глобаллашув жараёни ва оммавий ахборот воситалари фаолияти» илмий тўплами тарқатилди.

Қумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Pedagog minbari

МЕТОДЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Таълим самарадорлигини оширади

Биология шундай фанки, у табиат ҳақида ҳикоя қилади. Шунчаки, табиат ҳам эмас, ҳаётнинг барча кўринишлари — тирик организм, ўсимликлару мавжудотларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини ўрганади. Бу фанни ёшларга ўқитиш методлари турлича.

Ўқитувчи биология таълим самарадорлигига эришиш учун даставвал, фан мазмуни ҳамда унинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини назорат қилиши керак. Агар ўқувчи берилаётган билимларни тўла эгаллай олмаса, фанни ўргатиш методини ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Мутахассислар айтишадикки, ўқитувчи ҳар қанча билимдон бўлмасин, агар у ўқувчи тилини топиб, фанига қизиқтира олмаса — фойдасиз, бундай билимнинг жамиятга нафи йўқ. Шунинг учун ўқитувчи баъзан мавзунини интерфаол усулда ўтса, баъзан ҳаётини воқеалар билан боғлаши

лозим. Тўғри, интерфаол дарс ўтиш усули мавзунини тезроқ тушунтириш учун яхши ва бу ўз йўлига, бироқ, тажрибалар шуни кўрсатадики, ўзи кўриб, эшитиб юрган воқеалари орқали мавзунини тушуниш ўқувчи учун самаралироқ. Негаки, инсон сунъий нарсаларга нисбатан, кўпроқ табиийликка интилади. Таълимни ўқувчи психологияси, табиатидан келиб чиқиб ташкил этиш муҳимдир.

Дилдора
ЎРАЗАЛИЕВА,
Тошкент банк
коллежи ўқитувчиси

Kuchli davlatdan — kuchli fuqarolik jamiyati sari

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Халқимизда «Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил», деган мақол бор.

Шундан келиб чиқиб, айрим мамлакатларда кузатилаётган тартибсизликлар, кўнгилсиз воқеалар негизига эътибор берадиган бўлсак, уларда давлатнинг ёшларга, уларнинг ҳаётдаги қизиқликлари, ҳуқуқ ва манфаатларига эътиборсизлиги, ёшларга оид сиёсатнинг ҳозирги замоннинг янги таҳдидларига жавоб бермаслиги оқибатини кўриш мумкин. Бундай давлатларда, айниқса, ёшлар тарбияси, уларни иш билан банд қилиш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ачинарли, албатта. Бу каби мамлакатларда давлат ва ёшлар ўртасида зулм пайдо бўлганлигини кузатиш мумкин. Мухтасар айтганда, кўпгина муаммоларнинг замирида эътиборсизлик, замон талаб қилган аниқ бир касб-хунарга эга бўлмаслик ва натижада, ишсизлик, бекорчилик ётади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳияти юқори, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдирини ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб улғайишларига қатта эътибор қаратиб келинмоқда. Қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар эса вазифаларни изчил давом эттириш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг қўламли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш бўйича саъй-ҳаракатларни янги, юксак босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан 2014 йил 14 май куни имзоланган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни айнан ана шундай мақсадларни ўз қамровига олганлиги билан ҳам ниҳоятда долзарбдир.

Мазкур қонунда аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшларда қонунга итоаткорлик маданиятини шакллантиришга, уларга жамиятда қабул қилинган ҳуқуқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳаммабоб спорт секциялари, техник ва бошқа тўғарақларни ташкил этиш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисми эканлиги мустақамланган.

Мазкур қонун билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатлар тартибга солинади. Қонунда асосий

вазифалар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турлари ва принциплари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари рўйхатининг алоҳида моддалар билан тасдиқланиши, бундан ташқари, ушбу соҳага хос асосий тушунчаларнинг изоҳланиши, ўз навбатида, шахснинг қонуний эркинликлари, ҳуқуқ ва манфаатлари хавфсизлигини таъминлайди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар таркибига ҳуқуқ-тартибот органларидан ташқари соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам киритилган.

Жумладан, Қонуннинг 21-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этиши, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши, тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши белгиланган.

Қонуннинг яна бир аҳамиятга молик жиҳати шундаки, унга кўра давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиши мумкин. Ихтисослаштирилган муассасалар эса ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатади.

Мухтасар айтганда, жамоат тартибини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини жинойий тажовулардан ҳимоя қилиш каби устувор вазифаларни бажаришга, пировардида эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада яхшилашга қаратилган ушбу қонун тинчлик ва фаровонлигимизни таъминлашга, ёш авлод тарбиясидаги ишларимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Феруза ОМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

ВАТАН, ДЎСТЛИК ВА ХАЛҚПАРВАРЛИК УЧУН!

21—28 май кунлари Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Камалак» болалар ташкилотининг «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!» шиори остидаги анъанавий XIII анжумани бўлиб ўтди. Унда 193 та туман ва шаҳарлардан «Камолот» ва «Камалак» сардорлари, ҳудудий «Камалак» болалар ташкилоти раислари, ҳудудий Сардорлар кенгаши аъзолари, энг фаол туман болалар ташкилоти раислари ҳамда мураббийлар иштирок этди.

Дастлаб олти юз нафар ўқувчи-ёш ўн тўртта гуруҳга бўлиниб, гуруҳ номи, шиори ва қоидаларини ишлаб чиқди. Сўнг ҳар бир гуруҳ ўзининг деворий газетасини тайёрлади. Анжуман доирасида ёшларнинг ҳуқуқий билимлари ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни аждодлар меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларига қаратилган «Хуқуқий саводхонлик», «Маънавият ва маърифат», «Иқтидорли ёшлар», «Спорт, саломатлик ва экология», «Меҳр-саховат», «Матбуот» каби йўналтирилган сессиялар ташкил этилди. «Мактабда «Камолот» ва «Камалак» тренингини ўтказиш», «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти», «Болалар журналистикаси», «Ахборот

ка «Камалак» болалар ташкилоти бош мутахассиси Дурдона Раҳимова. — Сессияларда эса мактаб, туман, вилоятдаги «Камолот» ва «Камалак» сардорлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Оромгоҳда илк бор «Энг намунали Сардорлар кенгаши» танлови ҳам амалга оширилди. Биринчи босқич сифатида ўтказилган танловда сардорларнинг янги лойиҳа ва ташаббуслари тақдироти ўтказилди. Унда Ҳаракат фаолиятида учраётган муаммолар, ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, илк бор сардорлар «Соғлом бола» мавзудида расмлар танлови ҳамда «Энг намунали оромгоҳ сценарийси» кўрик-танловида ўз қобилиятини синаб кўришди. Анжуманнинг асосий мақсад-

ишлари ва лойиҳалари энг яхши деб топилди.

Ўқувчи-ёшларнинг ижодий, илмий қизиқишлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, юртимиз ёшлари ўртасида мустақам дўстлик алоқаларини ўрнатиш орқали уларни Ватан равнақи йўлида бирлаштиришни мақсад қилган мазкур анжуман доирасида «Алло, биз истеъдодларни излаёмиз», «Мураббийингни

ди. Масалан, «Камалак» бекатлари» лойиҳасида ўқувчи-ёшлар ақл-заковати, зийраклиги, қобилияти қай даражада эканлигини кўрсатиб беришди. Уларнинг иштирокини кузатиб, бу ерга бир-биридан кучли, билимга чанқок, янгиликка интилувчан, ташаббускор ёшлар бирлашганига



оромгоҳ сценарийси», «Энг

якши нотик», «Энг намунали сардорлар кенгаши» танловларида қатнашдик. Тенгдошларим томонидан турфа хил таклифлар билдирилди. Масалан, биз, сардорлар учун «Камалак» кундалигини ташкил этиш таклифини билдириб, унинг вазифаларини тушунтириб бердик. Оромгоҳда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган спектаклни ҳам томоша қилдик. Анжуман сўнигида ҳар бир сардорга ёз мавсумида бажариши лозим бўлган уй вазифалари топширилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси сардорлар кенгаши аъзоси Амина Сарсинбаева.



топ!» танловлари, «Камалак» спортландияси», «Камалак» бекатлари» ўйинлари, «Кувноқ экспресс», «Кувноқ футбол», «Сўнгги кўнғироқ» каби маданий тадбирлар ташкил этилди.

РАНГ-БАРАНГ БЕКАТЛАР

«Камалак» бекатлари» лойиҳаси доирасида оромгоҳ бўйлаб «Ўзбекистон», «Олтин қалам», «Спорт», «Моҳир қўллар», «Доктор, вой жоним», «Ёқимли иштаҳа!» каби ўн тўртта бекат ташкил этилиб, гуруҳларга бекатлар жойлашган харита берилди. Иштирокчилар эса харитада кўрсатилган манзилларга бирин-кетин боришиб, билим ва қобилиятини синовдан ўтказишди. Масалан, «Ўзбекистон» бекатига етиб



яна бир бор амин бўлдим. Агар гуруҳларнинг энг яхшисини кўрсатадиган бўлсак, биринчи ва саккизинчи гуруҳ аъзоларини айтиш мумкин.

ҚАДРИЯТЛАРГА СОДИК БОЛАЛАР

Оромгоҳда бўлиб ўтган «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» фестивалида пойтахтимиз, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган «Камалак»чилар миллий қадрият ва урф-одатларимизни кўргазмалли чиқишлар орқали кўрсатиб беришди. Анжуман иштирокчилари миллий ўйинларимиздан арқон тортиш, хўрозлар жанги, бештош, эшак минди, варрақлар сайли ҳамда оқ теракми, кўк терак каби мусобақаларда ўзаро беллашдилар.

— Анжуманнинг қамрови ниҳоятда кенг. Бу ерда фақат «Камолот» ёки «Камалак»ка оид билимларни кенгайтирибгина қолмай, янги дўстлар орттирдик, тажриба алмашдик, гўзал қадрият ва урф-одатларимиздан хабардор бўлдик. Маънавият, ҳуқуқ, ахборот хавфсизлиги, саломатлик ҳақидаги билимларимизни бойитдик. «Ёзги

Анжуман иштирокчилари «Сен билан бирга — камолот сари!» лойиҳасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони совриндорлари ва турли давлат мукофоти билан тақдирланган бир гуруҳ ёш истеъдод эгалари билан учрашиб, уларнинг эришган муваффақиятлари ҳақида ўртоқлашди. Бошланғич ташкилотларнинг намунавий ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам иштирок этишди.

Анжуман театр гуруҳлари ва эстрада хонандалари иштирокидаги гала-концерт билан якунланди. Унда ўтказилган лойиҳалар ва танловларда голиб бўлган ҳамда фаол иштирок этган иштирокчилар муносиб тақдирланди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сардорлар кенгашларига совға сифатида қимматбаҳо телевизорлар топширилди.

Шу билан «Камалак» болалар ташкилотининг навбатдаги «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!» шиори остидаги анжумани ўз ниҳоясига етди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири



хавфсизлиги» тўғрисида аудио-визуал технологиялар ҳамда интерфаол ўйинлар ёрдамида маълумотлар берилди. Шунингдек, болаларнинг интеллектуал салоҳияти, ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган «Соғлом бола — юрт келажаги» мавзудида иншолар ва расмлар танлови, «Энг намунали оромгоҳ сценарийси», «Энг яхши нотик», «Кувноқ марафон», «Камалак» спартакиадаси» каби кўрик-танлов, эстафета ва спорт ўйинлари ташкил этилди.

— Бу йилги анжуманда «Камалак» болалар ташкилотининг анъанавий лойиҳаларини янада самарали ташкил этиш мақсадида намунавий лойиҳалар ўтказилди, — дейди Республи-



ларидан бири Болалар ташкилотининг бир йиллик ишларини сарҳисоб қилишдир. Ушбу сарҳисобни эса сардорларнинг ўзлари кўриб чиқишди. Натижаларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари «Камалак» болалар ташкилотининг

келган ҳар бир гуруҳ юртимиз тарихи ва бугуни ҳақидаги саволларга жавоб беришди. Бу ҳақда анжуман тренери, «Шўрат» медали соҳиби Баҳодир Юсупов шундай дейди:

— Анжуманга келган сардорларнинг ҳар бир куни мазмунли ва фойдали ташкил этил-

«ХАМИША БУ ҚОИДАНИ МАРЪИЙ ТУТУБ...»

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари бошидан охиригача тарбия китоби. Унда ватанпарварлик ва мардлик, жасорат ва ростгўйлик, ўлимга тикка бориш ва ҳаётни бор гўзаллиги билан севиш, ардоқлаш, андишаллик ва ўта қаттиққўллик, гуноҳи азим содир этганга нисбатан шафқатсизлик ва тарбияга муҳтожнинг гуноҳини кечиртиш... дарси мавжуд. Бобур дунёқарашини белгилайдиган бу ёндашувлар айнан инсон тарбиясига, унинг ахлоқида ижобий хислатларни кўришга иштиёқ тарзида ўз ифодасини топган.

Агар Бобур даврида кишининг ўртача умри 45-55 (эркаклар) ёш эканлигини, унинг аскарлари, асосан, ёшлар бўлганлиги, темурий шахзодалар жуда ёш тахтга ўтирганлигини инобатга олсак, «Бобурнома»даги ҳар бир персонажнинг характери, ўша давр ахлоқ нормаларига муносабати бевосита ёшлар тарбиясига ҳам қаратилганлигини кўрамиз. Шунинг учун, мазкур мақоламизга айнан ана шу мезонга асосланиб фикр билдиришни лозим кўрдик.

Бобурнинг ёшлар тарбиясидаги бош мезони — мардлик, жанг майдонидаги ботирлик, бошқаларга ёрдам қўлини чўзиш, душманга нисбатан шафқатсизлик, дўст қадрига етиш ва уни эъзозлаш, ижодкор шахсиятининг унинг ижоди билан ягона эстетик даражада бўлиши, имкон қадар шахснинг ижобий томонга ўзгаришини назарда тутиб, темурийзодалиги ва қондошлигини инобатга олиб кечиримли бўлиш ҳисобланган. Шунинг учун у ким ҳақида баҳо бермасин, ана шу жиҳатларни алоҳида таъкидлашни кўрамиз.

«Бобурнома»да муаллифнинг энг ишонган беки, Бош вазир даражасидаги яқини Қосимбек образи кенг ва атрофлича берилган. Қосимбек Бобурнинг отаси Умар Шайх мирзога ҳам бек даражасида хизмат қилган. Унинг вафотидан сўнг 12 ёшда Андижон тахтига ўтирган Бобурга айнан шу Қосимбек дипломатия сирларини ўргатган, уни кўпгина хавфли ҳолатлардан қутқарган. Бобур бу шахс ҳақида сўз юритганда Қосимбекнинг ижобий хислатларини ёшларга ибрат этиб кўрсатган. Бобур берган баҳо қисқа, лўнда, ҳар бир сўзибор бу шахснинг кўп хислатларини ўзида мужассамлаштирган.

Бобурнинг Қосимбекка берган баҳосида унинг ўзининг шахсияти, ёшларга тарбия дarsi бўлгудек қарашлари ҳам ўз ифодасини топган. Уша пайтда аскарлар бир лашкарбоши, султондан бошқасига моддий, маънавий, оилавий шароитларидан келиб чиқиб ўтиб кетишаверган. Албатта, маълум султондан бошқасига ўтиб кетган аскар, бек, зобит олдин хизмат қилган султони қалбида (бунда Бобур хизматида Хисравшоҳга кетган Қосимбек мисолида) маълум даражада салбий из қолдириши аниқ. Аммо Бобур Хисравшодан яна унинг хизматига келган Қосимбекка нисбатан кек сақламаганини («Қосимбек ул фурсатта келди, яна бурноғидек ўқ риюят ва шафқат қилдим») билдиргани ҳам ёш аскарларни ўзига қаратиш, кетиб қолмаслигини таъминлаш учун тарбия дarsi ҳамдир.

Шу парчадаги яна бир жиҳатга диққатингизни тортаман. Бобурнинг бек, аскарлари мардлиги ва шижоати ҳеч вақт эътиборсиз қолмаслиги, Қосимбекка бўлган унинг юксак эътироми ва ҳисобсиз мулк, бойлик, эътиборга сазовор этилганлиги энг аввало унинг жасур жангчи, ақли, андишали беқлигидадирки, бу нафақат ёш аскарларга, балки барчага ибрат намунаси бўлган: «Яна бир Қосимбек эди, қавчин эди. Қадимий Андижоннинг қўшун беқларидан эди. Ҳасан Яқуббекдан сўнг менинг эшигимда соҳиб ихтиёр ул эди. Охир умригача ихтиёр ва эътибор орти, ўқсумади. Мардона киши эди. Умар Шайх мирзо қошида қилич чопиб эди. Ясси Кечит урушида ҳам яхши чопқулашди. Қазоқликларда Масчо кўхисто-

нидин Султон Маҳмудхон қошига бормоқ азимати қилганда Қосимбек айрилиб, Хисравшоҳ қошига борди. Тарих тўққуз юз ўндаким Хисравшоҳни олиб, Кобулда Муқимни қабадим, Қосимбек ул фурсатта келди, яна бурноғидек — ўқ риюят қилдим...

Маълумки, Заҳириддин Бобур салтанати ва умуман темурийлар даври идеологиясини ислом дини асослари ва ақидалари ташкил этган. Жамият бошқарувида, умуминсоний хислатлар асосини адолат, саховат ва сабр, ҳалоллик каби хислатларни ёшлар қалбига сингдириш ҳам асосий вазифа бўлган. «Бобурнома»да ҳам муаллиф айнан шу мақсадни ҳар бир воқеа, шахс характери тасвирида ёритишга ҳаракат қилган.

Заҳириддин Бобур даврида ҳам ёш ижодкорларни тарбиялаш, уларни секин-асталик билан юксак ижод манзилларига етиб боришлари учун шароит яратиш давр султонидан бошлаб барча ижодкорларнинг бурчи даражасида баҳоланар эди. Бобур ҳам Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийнинг XV аср охиридаги шогирдпарварлик мактабининг XVI асрда шараф билан давом эттирди, жуда кўп ижод аҳли, турли касб вакиллари, ҳарбий зобитларни камолга етишига сабаб бўлди. Жумладан, унинг «Таърихи Рашидий» асарининг муаллифи Ҳайдар мирзонинг йирик тарихчи олим бўлиб шаклланишидаги хизмати ҳам ёшларга бўлган юксак эътиборидир.

Бобур Ҳайдар мирзо ҳақидаги фикрини давом эттирар экан, Шайх Саъдийнинг бир байтини «Бобурнома»даги насрий матни қувватлаш учун келтиради. Айнан шу байт орқали ҳам биз Бобурнинг ёшларга бўлган муносабати, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни парваришлаш, ижодий муҳитда яшаган темурийзодаларни тарихий шароитнинг оғирлигига қарамасдан ижодхонага қайтишини таъкидлайди, Ҳайдар мирзонинг қобилятига баҳо беради:

«... Боз гардад ба асли худ ҳама чиз, зарри софию нуқраву арзиз».

(Мазмуни: Ҳамма нарса: хоҳ соф олтин, хоҳ кумуш ва хоҳ кўрғошин бўлсин, барибир ўз аслига қайтади).

Бу тарихда дейдурларким, тойиб бўлуб, яхши тариха пайдо қилибтур. Хат ва тасвир ва ўқ ва пайкон ва зихир ҳар нимага илги часпондур. Таъби назми ҳам бордур. Манга арзадошти келиб эди, иншоиси ҳам ёмон эмас».

Бироқ «Бобурнома»даги манбалар Бобурнинг ўз ўғиллари Ҳумоюн, Комрон, Аскаррийлар тарбиясидан ҳамиша ҳам кўнгли тўлманлиги, улар орасидаги нифок, айрим пайтларда душманликкача етиб борган лаҳзалари, мулк тақсимлаш уларнинг ахлоқидаги салбий жиҳатларни белгилашда асосий сабаб бўлиши каби масалалар Бобурни ҳамиша ташвишга солган. Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган мактуби ҳақида адабиётшуносликда анчагина фикрлар билдирилган. Шунга қарамасдан, таҳлилимизнинг мавзуи ёшлар тарбиясига қаратилган экан, бу манбани Бобурнинг ёшларга қарата айтган ўғитлари ёндашувида кенгрок кўриб чиқамиз.

Мазкур мактуб Бобурнинг вафотидан икки йил олдин тўнғич ўғли Ҳумоюнга жўнатилган. Бу даврда Бобур Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий қисмига эга

бўлиб катта ғалаба ва бойликка эришган пайти эди. Аммо фарзандлари Ҳумоюн ва Комроннинг бир-бири билан носозлиги, мулк бўлишдаги Бобур сиёсати га раҳна солиш, бойликка ўчлик масалалари салтанат муҳитига, айниқса, Бобур армони — Амир Темур салтанатини Ҳиндистонда асраб қолишга аниқ таҳдид эди. Бунда Бобур фарзандлари орқали даврнинг барча ёшларига ибратомуз жиҳатларни айтганини, салтанатни асрашда дўстона муҳит, бир-бирини эҳтиром этувчи, қадрловчи, бир надан тугилган ака-укалар ўртасида арзимас мулк ва давлат учун душманона муносабатда бўлиш асло йўл қўйиб бўлмайдиган амаллардан эканлигининг таъкидини кўрамиз. Мактуб сатрлари ўқувчи га шох Бобурга — Хуросон ва Ҳиндистонда энг қудратли ганимларини тиз чўктирган султон, подшоҳ Бобурнинг ўз фарзандларининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари изза қилаётгани, бу ташвишлар шахзода ака-укалар гина-кудурати бўлмасдан, подшоҳлик сиёсати га раҳналигини олдиндан сезган сергак подшоҳнинг илтижоларидек туюлади кишига: «Сизларнинг жон тортиб, қилич чопмоқ маҳалларингиздир. Қопуда келган ишни тақсир қилмангиз. Гаронжолоқ била қоҳилиқ подшоҳлик била рост келмас... Яна сен ўзунг (яъни Ҳумоюн. — Ҳ. Қ.) билур эдунгим, доим бу қоида маръий эди: беш хисса Комронга бўлур эди. Ҳамиша бу қоидани маръий тутуб, мундин тажовуз қилманг. Яна ининг била яхши маош қилгайсен. Анинг ҳам муташарриъ ва яхши йигит кўпубтур, ул ҳам мулозамат ва якжиҳатликка тақсир қилмагай».

Бобурнинг ўғли Ҳумоюн мирзога ёзган бу мактуби ёшларнинг мукаммал тарбиясига қаратилганлиги билан муҳим. Бунда фарзандларнинг ўз оталаридан вақтида, узлуксиз хабар олмаслиги масаласи жиддий ўртага қўйилган. Халқда бир мақол бор: «Бир ота ўн фарзандни боқа олади, ўн фарзанд бир отани боқа олмайди». Бобурнинг Ҳумоюндан ота сифатида қилган гинаси ҳам шунга қаратилган. Бунда Ҳумоюни Бобур нақадар юксак меҳр билан севиши, фарзанднинг бу меҳрни чуқур англамаган, бобурийлар салтанатининг бош воҳиси бўлишига қарамасдан яна отаси Бобурга «мен ёлғизман» деб гина қилиши оҳизлик, вазиятни етарлича англамаганлик даражасида баҳоланган: «Яна сендин озрок гинам бор, бу икки-уч йилдин бери бир кишинг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йили сўнгра келди. Мундоқ бўлурму? Яна хатларингга ёлғузлук, ёлғузлукким, дебсен, подшоҳликта айбдур, нечукким дебтурлар».

Агар пой банди ризо пеш гир,

Ва гар яксувори сари хеш гир.

(Мазмуни: Агар оёғинг банд бўлса, ризони олдинга қўй, агар танда сувоҳра бўлсанг, ўз бошинга бор, яъни жаҳонга боғланган бўлсанг, бошинга келган ҳар нарсага рози бўл, агар ҳеч нарсага боғланмаган киши бўлсанг, йўлингдан қолма, кетабер). Ҳеч қайде подшоҳлик қайдича йўқтур. Подшоҳлик била ёлғузлук рост келмас».

Заҳириддин Бобур мактубни давом эттирар экан, ёш ўғли тарбиясидаги энг асосий жиҳат — матндаги саводхонлик ҳақида сўз юритади. Бобурнинг бу фикрларини бугунги кунда ҳам ўз ёзма фаолиятида имловий, услубий хатларга йўл қўядиган ҳар бир шахсга нисбатан айтса бўлади. XV-XVI асрда темурийлар салтанати ва умуман бошқа худудларда ҳам шахзода, беқлар ва хатту имло билан боғлиқ шахсларнинг етук саводхонлиги ўта қадрланган ва бу уларнинг комил инсонликка даъвогарлик мезониди алоҳида таъкидланган ҳам. Заҳириддин Бобурнинг юксак билим ва таҳрибага эга бўлганлиги, имло ва саводхонликка юксак эътибор берганлиги ва буни бошқалардан, айниқса, ўғли Ҳумоюндан жиддий тарзда талаб қилганлиги унинг бошқарувида бе-

жирим имлога бўлган юксак талаб ва эҳтиёжни ҳам бизга етказган. Айни пайтда, Ҳумоюн хат-мактубларидаги имло ғалатлиги, ҳуснихатнинг ночорлиги, манткий занжир таъминланмаганлиги, фикр баёнида уйғунлик мавжуд эмаслиги ва бошқа қусурлар шох, адиб Бобурни жуда хафа қилган ва бу танбеҳларининг асосли ва муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Заҳириддин Бобурнинг ёшлар тарбиясига оид қарашларининг ёрқин намунасини унинг ижод аҳлига нисбатан билдирган адабий-эстетик қарашлари орқали ҳам билиш мумкин. Бунда адиб шахс ахлоқи ва ижодини бир бирликда баҳолайди. У табиатида ана шу бирлик мавжуд бўлмаган ижодкорни адолатли танқид этади, айни пайтда юксак ахлоқ, фавуқлодда қобиляти эгасига юксак баҳо беради, хатто унинг ўзига хос устунлигини алоҳида таъкидлайди ва бу шахсни бошқа ёшларга ибрат этиб кўрсатади.

Заҳириддин Бобурнинг ижод аҳли ахлоқи га бўлган муносабатида бошқа ёш ижодкорларга нисбатан тарбиявий характери га мойил фикрлар мавжудки, бу қарашлар кўпинча ижодда ҳалоллик, ортиқча гурурларга чек қўйиш, ўзини бошқа ижодкордан устун билиш каби жиҳатларга қаратилган. Фикримизни қисқарок баён этиш учун уларнинг айримларини мисол тариқасида келтирсак. «Бобурнома»да гап Абдурахмон Жомийнинг жиъни, шогирди ва муриди Абдулғаффор Лорий ҳақида кетганда унинг хислатидаги Жомийнинг «Нафахотул-унс» асарига шарҳ битганлигини нисбатан ижобий баҳолаб, характеридаги беқарорлик, бетайинликни таъкидлайди.

Бобур Сайфий Бухорийнинг яхши маснавийлари, айниқса турли касб эгалари ҳақида битган маснавийсини алоҳида таъкидласа-да, ўша давр ижодкор ёшларига унча хос бўлмаган хислат — форсий арузига бағишланган ёзишмаларида маъналарда ҳалал борлиги, муҳим мавзулар ҳақида асар битмасдан, ўринсиз масалаларга кенг эътибор қилганлигини билдирган. Шу қатори, Бобурнинг Сайфий Бухорийнинг бадшароблиги, даврада ўзини тутта олмаслик ҳусусияти борлигини билдириши ҳам ёшларни бундай хислатдан узок юришларига ишора сифатида баҳолаш мумкин: «Яна Сайфий Бухорий эди... Бир форсий арузи бор, бисёр камсухандур, бир ҳисоб била асру пурсухандур. Камсухан бу маъни билаким, кераклик нималарни битмайду. Пурсухан бу маъний билаким, равшан ва зоҳир калималарни нуқтаъ ва иъробиғача битибтур. Чогирни ёмон ичар экандур, бадшароб экандур. Маҳкам зарби мушти бор экандур».

Бобурнинг фарзандларига битган бу мактуби ва ундаги мулоҳазалари ота ва ўғил ўртасидаги муқобала доирасидан чиқиб ўша давр ахлоқи ва ёшларнинг тарбиясига қаратилган давр дастури сифатида ҳам қаралмоғи лозим. Зеро, бунда мазкур масалани ўртага қўювчи шунчаки ўша давр маънавияти пешвоси бўлмасдан, подшоҳ, шоир, салтанат бошлиғига эмас, ўз асарлари билан ўша даврдаёқ шўхрат топган адиб ҳамдир. Аслида Бобурнинг бу ёзишмалари ўша давр давлат бошқарувида ёшларнинг мавқеи ва уларнинг давлат ишларини олиб боришларига нисбатан билдирилган танқидий, таҳлилий ҳужжат сифатида ҳам қадрли.

«Бобурнома»дан шунга ўхшаш мисолларни талайгина келтириш мумкин. Буюк адибнинг бу ўғитлари замонамиз ёшларини ҳам юксак ахлоқликка чақиради, ноўрин одатларга эга бўлганларга шу камчиликни қайтармаслик қайфиятини пайдо қилиши билан ҳам муҳимдир.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори



Iste'dod g'unchalari

ДИЛНИ ЯЙРАТГАН КЕЧА

Пойтахтимизда истеъдод гунчалари иштирокида байрам концерти ташкил этилди. Унда Яккасарой тумани «Баркамол авлод» болалар маркази қошидаги «Капучино» болалар студияси аъзолари бадиий чиқишларини намойиш этди.

Студияда болалар рақс ва эстрада санъатидан сабоқ олишади. Мазкур ижодий жамоага Людмила Упорова раҳбарлик қилади. Ўттиз йиллик фаолияти давомида моҳир педагог юзлаб истеъдодларни юзага чиқарди. Улар орасида кўпчилигимизга таниш профессионал санъаткорлар бор. «Ниҳол» мукофоти соҳиби, ёш хонанда ва бастакор Жасур Мирсағатов, халқаро танловлар лауреати Светлана Сайдиева, эстрада хонандалари Ягона ва Роксана... Аксарияти ҳозир ҳам «Баркамол авлод» марказига келиб туришади.

Ўн тўрт ёшли Латифа Азизова бир неча йилдан буён шу марказда вокал сирларини ўрганмоқда. Тенгдошимизнинг қарори қатъий — келгусида у хонанда бўлмоқчи. Санъ-

атда дастлабки ютуқлари ҳам бор. У бир қанча халқаро санъат танловларида муваффақиятли қатнашди. Жорий йилда эса «Истиқлол гунчалари» фестивалининг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

— Вокал бўйича машғулотлар шунчаки нафас йўллари машқ қилдиришдан иборат эмас, — дейди Людмила Александровна. — Бунда бола, аввало, ўзидан ижодий энергияни чиқаради. Кўтаринки кайфият инсон саломатлиги учун кони фойда. Демак, санъатга ошно бўлиш соғлом турмуш тарзининг бир бўлагидир.

Биз концертни кузатдик. Саҳнага биринчи бўлиб студиянинг кенжатоё вакиллари таклиф этилди. Уч яшар болакайлар «Салом, ёз!» кўшиғи-

ни ижро этаётганда бутун зал қуёшли кун мисоли яшнаб кетди. Чиндан ҳам бундай томошадан кейин ўзингни янада тетик ва бақувват ҳис қиласан, киши.

Студиянинг собиқ ўқувчиси Шухрат Турдихўжаев кечанинг қутилмаган меҳмониغا айланди. У олқишлар билан қарши олингани бежиз эмас. Яқинда Шухрат Россияда ўтказилган «Болалар овози» телевизион лойиҳасида қатнашиб, ҳақиқий телеюлдузга айланди. Эндигина ўн бир ёшни қаршилаган бу йигитнинг мақтаса арзигулик бошқа ютуқлари ҳам бор. Жумладан, 2012 йилда у «Славян бозори» халқаро санъат фестивалида иккинчи ўринни қўлга киритган эди.

Бири-бирдан бетакрор рақс ва ранг-баранг композициялардан ташкил топган концерт дастури ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Ҳа, болалар куйлаганда дил яйрайди, болалар кулгиси эса оламни мунаввар этади.

Адолат АМОНОВА

САҲНАДА САНЪАТСЕВАР БОЛАЛАР

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни. Юртимизда ушбу сана муносабати билан турли тадбирлар ўтказилади. Шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Унда жисмоний имконияти чекланган болалар ва меҳрибонлари уштирокчилари иштирок этди.

Тадбирда Олег Ошепков раҳбарлигида тайёрланган жажжи болажонларнинг шўх-шодон рақслари, куй-қўшиқлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Бу ўғил-қизларнинг заиф

эшитишига қарамасдан, маҳорат билан рақс тушиши, мимика ва бежирим хатти-ҳаракатлари байрам қатнашчиларига яхши кайфият бағишлади.

Айниқса, пойтахтимиздаги 102-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати ўқувчилари ижро этган саҳна кўриниши ўзининг ноанъанавийлиги билан ажралиб турди. Ушбу таълим муассасаси раҳбари Манзура Саидазимованинг айтишича, шогирдларининг тиришқоқлиги, изланувчанлиги, санъатга ошуфталиги улар намойиш этган саҳна кўринишларининг муваффақиятли чиқишини таъминлади.

Тадбир сўнгида кўнгилочар рақс томошаларида фаол иштирок этган ўқувчилар алоҳида эътироф этилди.

Саида ҲАКИМОВА, ЎЗМУ қошидаги Зангиота академик лицейи ўқувчиси

УНУТИЛМАС КУН

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган 577-мактабгача таълим муассасасида «Хайр, боғчажон, асалом мактаб!» байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ҳақиқий тантана тусини олган тадбирда кичкинтойлар меҳрибон она, бахтиёр болалик ва Ватан, дўстлик, қадрдон боғча, гўзал табиат ҳақидаги бир-бирдан қувноқ шеър ва қўшиқлари билан йиғилганларга шодлик улашди. Мактаб оstonасига катта иштиёқ билан қадам қўйишга шай турган жажжи ўғил-қизларнинг орзулари жуда кўп. Алифбени бемалол ўқий оладиган билагонларга муассаса томонидан эсдалик совғалар берилди.

— Айни кунларда навбатдаги ўқув йилини яқунлаб, ёзги соғломлаштириш ойига тайёргарлик кўряпмиз, — дейди мактабгача таълим муассасаси мудираси Светлана Туркова. — Биринчи июндан бошлаб кичкинтойлар учун ёзги қувноқ эстафеталар, гимнастика машғулотлари, кўғирчоқ театрлари саёҳат, байрамлар

ташкил этиш ниятидамиз. Ёзни мазмунли ташкил этсак, болажонлар янги ўқув йилига кўтаринки кайфиятда келишади.

Мазкур таълим муассасида болажонларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари учун барча шароитлар яратилган. Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими таасаруфидаги ушбу даргоҳда болажонларнинг кунли мазмунли ўтиши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Эрталабдан болалар шифокор опалари кўригидан ўтишади. Тетиклаштирувчи машқлардан кейин мазали нонушта уларга жуда ёқади. Шундан кейин ёш гуруҳларига қараб машғулотлар ўтилади. Боладан бошлаб кичкинтойлар учун ёзги қувноқ эстафеталар, гимнастика машғулотлари, кўғирчоқ театрлари саёҳат, байрамлар

ни мантиқий фикрлашга ўргатувчи, касбларга бағишланган машғулотлар малакали мутахассислар томонидан кўргазмалли қуроллар ёрдамида тушунарли қилиб ташкиллаштирилади. Майда пластика буюмларини ясаш машғулотларида болажонлар вақтининг қандай ўтиб кетганини сезмай қолишади. Ахир, пластилин, лойдан ясалган эртақ қахрамонлари, турли гуллар, жониворлар кифаларини оналари келганда кўз-кўз қилиш қандай мароқли. Ҳар кун спорт тўғрақларида болалар ўзларининг қанчалик чаққон ва зукколикларини намойиш этсалар, шахмат-шашка тўғрақларида анчайин жиддий баҳсларда ўзларини синаб кўришади. Муассасада инглиз тили тўғрақларига барча тарбияланувчилар қатнайдди. Айниқса, болалар бу ерда мусиқа машғулотларига алоҳида тайёргарлик кўриб келишади.

Хуршида НОСИРОВА, Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежи ўқувчиси

Таътилдаги печка

Эшитгансиз бир топимиш, Эда турар ҳозирок. Қишда доим ишлайди, Эда эса қишлайди. Қишда уйни иситиб, Бергани уйри ёрдами. Матмига қизар эда, Бузлар билан печка эди.

Чемпион

Қайнолар ишга кириб, Ўйнабди муسابақа. Аралом закали бўлибди, Келибди ҳатто бақа. Сақрашга зўр кенгуру, Олий ўрин олибди. Мараронда югуриб, Тенард солиб бўлибди. Сув спортни бўйича, Шенсиз экин ти.исозжон. Халима ҳайрон, қурашда Қолиб бўлди бир сўзгон. Нега бундай бўлди, деб,

Суриштирса тағини. Ҳазратга терс боқиб, Халима тилилар лабини. Рилми ишқитадиган, Шопи.лиабди мард хайвон. Олар гудаб туролмай, Чирқибди шитти сўзгон. Рилмига ранги оқариб, Қолиб қолибди шу он. Оқлаб юртин шарарин, Сўзгон бўлди челишон.

Ошпазнинг сир

Шоповул қилинг, дўстлар, Мана, ошпаз ширини. Мен билан ишқити Ошпазларнинг сирини. Булсанг, улар овқатни Дилдан жўшиб пиширар. Ассаси, тао.иш, Меҳр қўриб пиширар.

Дилнавоз НАЖИМОВА, Чирчиқ шаҳридаги 26-мактаб ўқувчиси



Меҳр изхори

Жонажон Ватаним — Ўзбекистони, Ту.л.айвер, эи. мелинг богу бўстони, Бобо.лардан қолган қутлу.г мақони, Меҳри.м изхор этай, тинг.лагин мени. Ҳар қуни.шз байра.и, шод.лик, таптана, Ўғил.лик бардаво.и, эзу. алтана. Эи. жони жазони.и, ялмайвер яна, Меҳри.м изхор этай, тинг.лагин мени.

Кундуз УСМОНОВА, Челак қишлоқ хўжалиги коллежи ўқувчиси

Дил сўзим

Мобий ос.иш.ларда урган бу қури.лар, Анг.латар юрти.лининг сзод.иш.ини. Қури.ларнинг қўришги қўри.лини зури.лар, Мадр.этар шазар.лар сзод.иш.ини. Ватан Бозингда гу.л.саган ло.ла.ларинг бор, Бағрингда бахтиёр бо.ла.ларинг бор. Ҳурти.и, сенга до.и.м бахт-ис.б.о.л. ёрду.р, Сенсиз қў.р.лар.и.га кенг дунё торду.р.

Абдулазиз ҚОБИЛОВ, Навоий шаҳридаги 7-мактаб ўқувчиси

ЎРНАККА ЛОЙИҚ ФУТБОЛЧИЛАР

Хафта спорт воқеликларига бой ўтмоқда. Францияда улкан тож туркумига кирувчи теннис мусобақасида ўзбекистонлик спортчи яхши иштирок этаяпти. Футбол бўйича миллий терма жамоамиз иккита ўртоқлик учрашувида майдонга тушиди.

Ўртоқлик ўйинлари аслида катта воқеа саналмасди. Лекин бу галгиси аввалгиларидан фарқ қилди. Кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон — Уммон ўйини терма жамоамизнинг уч нафар футболчиси учун энг сўнггиси бўлди.

Терма жамоамиз шарафини 1999 йилдан ҳимоя қилиб келган маҳоратли ҳужумчи Максим Шацких, 37 ёшли ярим ҳимоячи Виктор Карпенко ҳамда 36 ёшли ҳужумчи Улугбек Бақоев терма жамоадаги фаолиятини якунлади. Мух-

лислар олқиши остида жамоа билан хайрлашган бу футболчилар хизматини ҳеч ким унутмасе керак.


Мазкур футболчилар ақлли экан. Улар миллий жамоа ўзгаришларга муҳтож эканини ҳис қилишди. Максим Шацких буни сал аввалроқ сезган, вақтида ўрнини ёшларга бўшатиб берган эди. Умуман олганда, у ҳам, Бақоев ва Карпенко ҳам ҳамиша жамоадошларига ўрнак бўлиб келган. Терма жамоа учун борини бериб бўлган бошқа баъзи фахрий футболчи-

лар бундан буён ҳам улардан ўрнак олишса, янаям яхши бўлади. Осиё чемпионатидек нуфузли турнирга ҳозирлик кўраётган жамоа учун 33-34 ёшлардаги «юлдуз»лардан кўра, 20-22 яшар шижоатли, иштиёқи баланд оддий футболчилар кўпроқ манфаат келтириши мумкин. Ишончимиз комилки, ўттиз миллионли улкан мамлакатда ана шундай ёшлардан битта эмас, тўртта терма жамоа шакллантирса бўлади. Ана, Испания, Германия терма жамоалари бош мурабийлари жаҳон чемпионатига кимни олиб кетишни билмай боши қотиб ётибди. Қўйиб берса, Бразилияга икки-учта тенг кучли жамоа билан борса. Спортга катта эътибор қаратилаётган мамлакатдан наҳотки йигирма уч нафар юрагида ўти бор



йигит чиқмайди? Чиқади, албатта, фақат уларга йўл бериш керак. Бунинг учун барча футбол клубларида худди «Пахтакор», «Насаф», «Бунёдкор» клубларида бўлгани каби селекция тўғри йўлга қўйилса, истеъдодларни танлаш имконияти танловчи-мурабийларнинг ўзларига қўйиб берилса, кифоя.

Мана, «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ана шундай танловчи-мурабийлар учун имконият. Унинг футбол мусобақасида республикамизнинг турли вилоят-



ларидан борган коллеж ва лицей ўқувчилари тўп суради. Улар ўз истеъдодларини майдонда кўрсатади.

Дарвоқе, Олмаликда бўлиб ўтган биринчи учрашувда терма жамоамиз 0:1 ҳисобида мағлубиятга учради. Кеча пойтахтимиздаги «Жар» стадионида кечган ўйинда ҳам яна 0:1 ҳисоби қайд этилди. Натижа хурсанд қиларли бўлма-са-да, терма жамоамизда юз бераётган ижобий



ўзгаришлар, Миржалол Қосимовнинг мурабийлик салоҳиятига бўлган ишонч муҳлислар қалбидаги умидни ҳали сўндиргани йўқ.

Ўйлаймизки, уч нафар футболчининг хайрлашуви сеvimли жамоамиздаги ижобий ўзгаришларнинг дебчасидир.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» муҳбири



БАРЧА ШОДЛИК СИЗГА БЎЛСИН!

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан юртимиздаги барча маданият ва истироҳат боғлари, сайилгоҳлари кичкинтойларнинг шўшондон кулгисига, қувноқ куйқўшиқларга тўлиб кетади. Шу кунларда боғлар, майдонларда кич-

кинтойларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларига имкон яратиш мақсадида турли кўнгилочар тадбирлар, аттракционлар ўрнатилиб, байрам тантаналари ташкил этилмоқда.

Байрам арафасида пойтахтимиздаги А.Хлебушкина номидаги

22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам «Тошкент ленд» болалар истироҳат боғида бўлишиб, мароқли ҳордиқ чиқаришди.

«Turkiston» муҳбири
Рустам Назарматов
фотолавҳаси

		4	8			2	3
	8						9
			2			7	
		4		3	8		
9			1				5
	5	7		3			
	3			7			
4	2					5	
7	9			2	6		

	9			2	1	8	
8	6	4					9
7	9			6	4		
6	4			9	8		
	8	7			6	3	
4			6	2	5		
	5	3	8		7		

	7	8					9
	6	1	3	8			
			2	1			
						8	6
	9		7			2	
5	3						
			2	1			
		5	4	1	9		
4					7	3	

1			2	8			
	6			8	1		
2	4	3		6	5		
7			5				
		6	2				
			9			6	
8	5			7	9	2	
	9	2			7		
	2	3					8

«TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув **2014 йилнинг 5 июн** куни «Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши раиси **Козим Тожиев** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки **(+99871) 233-79-69** телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совгалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намоён этишга шошилинг.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

1417 йилда қурилиши бошланган бу олий таълим муассасаси уч йилдан сўнг ўз фаолиятини бошлайди. У жаҳондаги энг нуфузли даргоҳлардан бирга айланади. Унда таҳсил олган алломалар қаторида **Абдурахмон Жомий** ҳам бор. Айтинг-чи, гап қайси олий таълим муассасаси ҳақида борапти?

Жавобингизни **3 июн** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Уларнинг номини футбол биравлаштириб туради. **Жузепе Меацца (Италия), Сантьяго Бернабеу (Испания), Эрнст Хаппел (Австрия) футбол даргалари бўлишган, бугун Милан, Мадрид ва Вена шаҳарларидаги улкан стадионларга уларнинг номи берилган.**

Тўғри жавобни биринчи бўлиб Тошкент шаҳридан Азизбек Тўлаганов йўллади.

YONDAFTARCHANGIZGA

Агар ўқисанг-у, тафаккур қилмасанг — чалкашиб қоласан. Агар тафаккур қилсанг-у, ўқимасанг — шубҳагумонлар остида қолиб кетасан.

Конфуций